БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 114 (17.992). • 17 май 1981 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

СОҒУВЧИЛАР ЗАФАРИ

ҚАРШИ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ташаббускор Қашқадарё областининг Қамаши, Деҳконобод, Муборак, Голлимаржон районларида давлатга сут сотиш ярим йиллик плани муддатидан илгари адо этилди. Қамашлиқ чорвадорлар 2.606 тонна, деҳконободликлар 1.322 тоннадан кўпроқ сут етказиб бердилар.

М. КАРОМОВ.

ГЕКТАРИДАН 115 ЦЕНТНЕРДАН

Дўстлик районидаги М. Дадажонов номли совхозининг Холбой Қўчқоров бошлиқ бригадаси аъзолари 45 гектар маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан 115 центнердан «каҳрабо дон» етиштиришга аҳд қилдилар. Комплекс парвариш дан чиқарилаётган ниҳоллар дуркун ўсяпти. Карталар бегона ўтлардан бутунлай тозаланган, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши дори сепиляпти. Бригада механизаторларидан Аҳмадали Қорабоев, Зокиржон Назаровлар кунлик культивация ва озиқлантириш графигини икки баравар ошириб бажаряпти.

А. ЮЛДОШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Халқаро газ иттифоқининг президенти Е. Жиоржис бошчилигидаги шу иттифоқ делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» саноат бирлашмасини бориб кўрдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Самарқанд ва Бухорога сафар қилдилар.

Халқаро газ иттифоқи делегацияси Ўзбекистон ССР Министрлар Советида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

КОЛЛЕГИАЛЛИК — РАҲБАРЛИК МЕЗОНИ

Коммунист Юрий Новицкий Термиз автобус-таксомотор эрхонасида шофер. У шаҳар партия комитетининг бюро аъзоларидан бири сифатида тез-тез бошланғич ташкилотларда, меҳнат коллективларида бўлиб туради. Унинг иштирокида тайёрланган масалалар ҳамиша қизғин муҳокамага сабаб бўлади, унинг таклифлари ҳисобга олинган бюро қарорлари жойларда ишлари яхшилаш, одамларни КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш учун тўла сафарбар этишга хизмат қилади.

Партия ҳаётининг ленинча принципи—коллегиал раҳбарлик шаҳар партия комитети, унинг бюроси фаолиятида шу тариқа ҳам яққол намоён бўлаётир, партиянинг ягона иродаси меҳнат коллективларида коммунистларнинг жонли ишлари билан уйғунлашаётир. Ишда коллегиалчилик ишлаб чиқариш, маданий қурилиш, сиёсий ва маънавий тарбиянинг актуал масалаларини ишчанлик билан қараб чиқишга ва ҳал этишга ёрдам бермоқда.

Ривожланган социализм жамиятига КПСС раҳбарлик ролининг олий ифодаси бўлган партия съезди қарорларида, съездда ўртоқ Л. И. Брежнев қилган Ҳисобот докладида партия ҳаётининг ленинча нормалари ва принциплари ижодий ривожлантирилди. Эндиликда партия комитетларининг пленумлари, бюро мажлислари аксарият ҳолларда ишчанлик билан ўтадиган, масалалар холис, партиявий танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида, ҳамжиҳатлик билан қараб чиқиладиган бўлиб қолди. Партия комитетлари ва бюроларининг аъзолари жойлардаги ишнинг аҳволини ҳар томонлама ўрганишлари, масалаларни муҳокама қилиш жараёнида қабул қилинган қарорларнинг ижроси учун яқдилик билан киришишлари кенг кўламли вазифалар ва чуқур актуал муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини яратмоқда. «Коллектив раҳбарликнинг кучи, — деб уқтирди съездда ўртоқ Л. И. Брежнев, — мана шу бирликдадир».

Жамиятимизнинг барча жабҳаларига партиявий таъсир ўтказиш, етилган муаммоларни ҳал этишда коллегиал раҳбарликнинг энг муҳим звеноси — партия комитетининг бюросини жанговар ва таъсирчан штабга қиёслаш мумкин. Бу ерда масалалар бригаликда қараб чиқилади, сайлаб қўйилган активнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинади, лекин қарор қабул қилингач, масъулият ҳамиша муайян одамда бўлади. Зеро, коллегиаллик, бригаликдаги муҳокама шахсий масъулиятни асло бўшаштирмайди. В. И. Ленин ишда коллегиаллик ҳақида тўхталиб, масалани кўплашиб муҳокама қилмоқ керак, лекин масъулият якка бир кишида бўлгани афзал эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бинобарин, сайлаб қўйилган орган аъзолари фаолиятида собитқадамлик ва уюшқоқлик, ишчанлик ва ташаббускорлик коллегиал раҳбарликнинг асосидир.

Коллегиаллик — жамиятнинг барча жабҳаларига партиявий раҳбарликни самарали амалга ошириш, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ленинча мезонидир. Айни пайтда коллегиаллик фақат сайлаб қўйилган орган аъзоларининг бригаликдаги ишини билдирмайди. Бу ленинча принцип ўнёки бу масала хусусида мутахассислар, хўжалик ходимларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам атрофлича ўрганишни, бирор қарор қабул қилиняётганда уларни оғишмай ҳисобга олишни ҳам тақозо этади. Худди шу нарса етилган проблемаларни тез илғаб олиш билан бирга қабул қилинган қарорларни амалга оширишда изчилликни таъминлайди.

Афсуски, шундай раҳбар ходимлар ҳам учрайдики, улар баҳслашувларни ёқтирмайдилар, кенгашга чорланган мутахассисларнинг мулоҳазаларини сабот билан тинглаш ўрнига, ўз фикрларини баён этиш билан масала ҳал бўлди, деб ўйлайдилар, «ортиқча» муҳокамага тоқат қила олмайдилар. Коллегиал орган аъзолари, мутахассислар, кўрилаётган масалани мирҳдан сиригача биладиган барча ходимлар фикрини охиригача қунт ва босиқлик билан тингламайдилар. Табиийки, бу ҳол кўпинча ишда бирёқламаликка олиб келади, сайлаб қўйилган активда, мутахассисларнинг кенг қатламида ташаббускорликни сўндиради, уларда ишнинг аҳволига лоқайдлик ва бефарқликни кучайтиради.

Утган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, партия конференцияларида партия комитетлари, партбюролар фаолиятида КПСС ҳаётининг ленинча нормалари ва принциплари нечоғли қарор топганлиги чўқур таҳлил қилиб чиқилди. Уларнинг ишига партиявий принципиаллик билан ёндашилиб, бу соҳадаги камчиликлар ошкора танқид қилинди. Чунончи, Наманган область партия конференциясида Задарё район партия комитетининг биринчи секретари У. Холдоров партиявий раҳбарликнинг номақбул услуб ва методларидан фойдаланганлиги учун раҳбарликда коллегиаллик принципини бузганлиги учун принципиал танқид қилинди. Область партия комитети ўз вақтида ана шу камчиликларга район партия комитетининг эътиборини қайта-қайта қаратганлигига қарамай ишда ўзгариш ясалмади. Раҳбарликнинг ленинча принципларига амал қилмаслик, совет ва хўжалик органлари функцияларини чалкаштириб юбориш қабул қилинган қарорларнинг ижроси учун тегишли таъсирчан тадбирлар кўрилмаслигига олиб келди. Натижада район экономикасини ривожлантиришнинг белгиланган план-топшириқлари бажарилмай, аҳолининг турмуш маданиятини ошириш, қишлоқ қурилиши масалалари ўлда-жўлда бўлиб қолди. Ана шу нуқсонлар учун У. Холдоровга қаттиқ партиявий жазо берилди ва район партия комитетининг биринчи секретарлигидан озод қилинди.

КПСС Уставида партия ҳаётининг ленинча нормалари, коллектив раҳбарлик принципи аниқ-равшан таърифлаб берилган. «Партия раҳбарлигининг олий принципи, — деб таъкидланади партия Уставида, — партия ташкилотларининг нормал ишлашининг, кадрларни тўғри тарбиялашнинг, коммунистлар активлигини ва ташаббускорлигини ривожлантиришнинг ўзгармас шарти бўлган коллектив раҳбарликдир». Партия комитетлари ана шу туб қоидага оғишмай риоя қилишлари, ишни партия турмушининг ленинча нормалари асосида йўлга қўйишлари зарур. Бу партия ички демократиясини ривожлантиришнинг, коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини авж олдиришнинг, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Айни пайтда сайлаб қўйилган партия органлари фаолияти тўғрисида коммунистларга ҳисоб бериб, уларни ана шу органлар амалга ошираётган ишлардан хабардор қилиб турмоқ лозим. Кейинги йилларда республика партия ташкилотларида бу ишнинг муайян тажрибаси тўпланди. Комитет ёки бюронинг иши тўғрисида коммунистларга, пленум қатнашчиларига мунтазам ахборот бериб туриш яхши анъанага айланди.

Коллегиаллик партия ташкилотига, ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларига раҳбарликнинг ленинча жонли, ижодий кўриниши бўлмоғи керак. Уни расмиятчиликка айлантириб қўйиш партия ҳаёти нормаларига мутлақо зиддир. КПСС XXVI съездида уқтириб ўтилганидек, партиявий ишда коллегиаллик жамиятга партиявий раҳбарликнинг муваффақиятини таъминловчи қудратли омилга айланди. Коммунистларни ўн биринчи беш йилликда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг улуғвор режаларини муваффақиятли бажаришга тўла сафарбар этишда, уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётдаги активлигини кучайтиришда коллегиалликнинг ролини мунтазил ошириб бориш оммавий ташаббускорликни яна ҳам кучайтиражагига, социалистик мусобақанинг зафарбахш тўлқини яна ҳам қудратли мавж уришига хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

БЕШ ЙИЛЛИККА — ЗАРБДОР СУРЪАТ

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоз деҳқонлари бу йил она-Ватанга камида 7 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини қабул қилганлар. Хўжаликда шунга яраша иш олиб борилмоқда. Ғўза парваришида механизаторлар, сувчилар ва бошқа мутахассислар фаоллик кўрсатишаётир. Колхознинг А. Жамсулдинов, Т. Элмуродов ҳамда С. Раззоқов бошлиқ қилаётган бригадаларида бу иш, айниқса, яхши йўлга қўйилган. Илғор бригада аъзолари ҳар гектар ердан камида 45—50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга сўз беришди. Бу пешқадам коллективларнинг механизатор ва сувчиларидан М. Аҳмедов, Х. Норматов, М. Ҳайитов, М. Тўйчиевлар ғўза парваришида ўз ҳамкасбларига намуна бўлишаётир.

Колхознинг барча майдонларидаги ғўзалар шу кунинг талаблари асосида парварош қилинаётганлиги учун ҳам кундан кунга яхши ривожланяпти.

К. УСМОНОВ,
Фарғона области.

Съездлар йилини мўл ҳосил билан нишонлашга аҳд қилган Тошкент области пахтакорлари далаларда ишни кун сайин қизитмоқдалар. Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз аъзолари бу йил 40 центнердан «оқ олтин» олиш учун қўшмоқдалар. Хўжаликда техникадан унумли фойдаланилмоқда. Ғўза қатор ораларига иккинчи ишлов берилди. Суратда: 2-бригаданинг звено бошлиғи, механизатор А. Ҳайитбоев ва ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Тўраев фотоси.

ТАСС АХБОРОТИ

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ ОРБИТАЛ КОМПЛЕКСДА ИШЛАМОҚДА

1981 йил 1... 50 минут ўтга... Т-4» орбитал к... космик фазода «Союз-40» илмий... монавти Владимир... пов билан румин... ладилар.

Совет Иттифоқ... нинг олимлари бр... программаси етти... сурсларини тадқиқ...

...ай куни Москва вақти билан соат 22 дан «Союз-40» кемаси «Салют-6» — «Союз-Т-4» комплекси билан туташтирилди. Ер атрофидаги ...қарилаётган «Салют-6» — «Союз-Т-4» — ...адқиқот комплекси ичида уч совет кос... ...коваленок, Виктор Савиних, Леонид Попов ва Румин... монавти Думитру Прунариу ишлай бош...

Руминия Социалистик Республикаси... ...ида тайёрланган учинчинг илмий ...а мўлжалланган ва ернинг табиий ре... ...иш, атроф муҳитни ўрганиш, физика-техника ва технология эксперименталари, медицина-биология тадқиқотлари ўтказишни кўзда тутади.

«Салют-6» — «Союз-Т-4» — «Союз-40» орбитал комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Космонавтлар Коваленок, Савиних, Попов ва Прунариунинг кайфияти яхши.

Совет Иттифоқи ва Руминия Социалистик Республикасининг космонавтларидан иборат халқаро экипажнинг учиши социалистик мамлакатлар ўртасидаги илмий-техника ҳамкорлиги кенгайиб бораётганидан далолат беради. У совет ва румин халқларининг дўстлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти

Ўртоқ Николае ЧАУШЕСКУга

«Салют-6» — «Союз-Т... — «Союз-40» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида... ...зларга маълум қиламиз: совет ва румин космонавтларидан... борат халқаро экипаж биргаликдаги илмий тадқиқотлар... эксперименталар программаси... ни бажаришга киришди.

Комплекс ичидаги систе... нормал ишлаб турибди.

Космонавтларнинг кайфи... ...хши.

Биз учиш программасин... ...ваффақиятли бажариш учун бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни ишга соламиз.

Яшасин совет халқи билан румин халқининг, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги!

«Салют-6» — «Союз-Т-4» — «Союз-40» орбитал комплексининг экипажи

В. КОВАЛЕНОК
В. САВИНИХ
Л. ПОПОВ
Д. ПРУНАРИУ

«САЛЮТ-... КОМ... «СОЮЗ-Т-4» — «СОЮЗ-40» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ...ЕКСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖИ КОСМОНАВТЛАРИ

КОВАЛЕНО... САВИНИХ, ПОПОВ ВА ПРУНАРИУга

Азиз ўртоқлар!

Сизларни, халқаро совет—... аъзоларини, самимий қутлаймиз... илмий-тадқиқот орбитал комп... ...ятли бошланганлиги билан та...

Совет Иттифоқи ва Румини... ...даги миллион-миллион кишилар... ичида «Интеркосмос» программ... ...киладиган ишингизни шу кунла... радилар. Сизлар ўзингизга билд... ...лан оқлашингизга, учиш програ... ...шингизга аминмиз.

Сизларнинг космосда биргали... ...халқларимиз, партияларимиз ва... анъанавий самимий дўстлик ва к... ...посабатларини акс эттиради, ҳар... ...космик экипажининг ишлаётган меҳнатингиз «Салют-6» — «Союз» ...ичидаги иш муваффақиятларимиз ўртасидаги ...ишимиз. ...ларча бирдамлик мулоқа... ...ўзаро манфаатли совет—румин ҳамкорлигининг янги ифодаси бўлиб қолади, бутун дунёда социализм иши, кескинликни юмшатиш ва тинчлик иши манфаатларига хизмат қилади. Сизларнинг парвозингиз Руминия Социалистик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги пухта дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга кўмаклашаверсин.

Азиз ўртоқлар, Сизларнинг мураккаб ва масъулиятли вазифангиз муваффақиятли бажарилиши социалистик фан ва техника тараққиётига, совет ва румин халқларининг, бутун инсоният фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида цивилизация ...галабаларини кўпайтиришга янги ҳисса бўлиб қўшилишига ишончимиз комил.

Сизларнинг эсон-омон ...ерга қайтиб тушишингизга тилакдошмиз.

Л. БРЕЖНЕВ
Н. ЧАУШЕСКУ

Совет Иттифо... ...ммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўртоқ Л...нид Ильич БРЕЖНЕВга

Руминия Коммунистик партия... ...г Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти

Ўртоқ ...иколае ЧАУШЕСКУга

Азиз Леонид Ильич Брежнев ва Н... Чаушеску!

Самимий қутловлар, астойдил таб... ...ва эзгу истаклар учун чин кўнгилдан Сизларга ташак... ...амиз. Мамлакатларимизнинг партия ва давлат раҳбар... ...шахсан Сизларга ваъда бериб айтамизки, орбитал ...тадқиқот комплексининг халқаро совет—румин эки... ...ыдирилган юксак ишончни оқлайди, бизнинг зиммамиз... ...латилган масъулиятли топшириқни совет ва румин ф... ...раққиёти йўлида, социализмнинг шон-шуҳрати йўлида, тинчлик ва инсониятнинг тараққиёти йўлида муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишни қилади.

Яшасин қардошларча совет—румин дўстлиги!

«Салют-6» — «Союз-Т-4» — «Союз-40» орбитал комплексининг экипажи

В. КОВАЛЕНОК
В. САВИНИХ
Л. ПОПОВ
Д. ПРУНАРИУ

Касаба союзларнинг муҳим вазифалари

Совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини партия режаларини амалга оширишга сафарбар этиш — совет касаба союзларининг жанговар вазифасидир. Касаба союзлари марказий комитетлари республика, ўлка ва область советлари секретарларининг 15 май куни Москвада тугаган кенгаши қатнашчилари ана шу ҳақда гапирдилар. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида, тарбиявий ва маданий-оммавий ишларни янада такомиллаштириш йўллари муҳокама қилинди.

Кенгаш ишининг иккинчи кунида КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников доклад қилди.

Кенгашда қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: Ўртоқ Л. И. Брежнев съездда КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладидаги қоидалар ва хулосаларни, совет коммунистлари анжуманининг бошқа материалларини ўрганишда, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш программасини рўёбга чиқаришда ўз ўрнини белгилаб олишда меҳнаткашларга кўмаклашиш — касаба союз ташкилотларининг бурчидир. Ана шу кўп қиррали ишнинг ҳаммаси юксак голвий савияда ва чуқур сиёсий мазмунли бўлиши билан ажралиб туриши, табақалаштириб олиб борилиши, форма жиҳатидан оммабоп, жонли ва мароқли бўлиши лозим.

(ТАСС).

НАШРИЁТГА ОРДЕН ТОПШИРИЛДИ

«Прогресс» нашриёти чет тилларда адабиёт нашр этиш соҳасидаги самарали ва актив фаолияти учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. 14 май куни «Октябрь» киноконцерт залида шу фахрий мукофотни топширишга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев кечада нутқ сўзлади.

Б. Н. Пономарев СССР Олий Совети Президиумининг «Прогресс» нашриётини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва давомли қарсаклар остида ордени нашриёт байроғига қадаб қўйди.

Нашриёт директори В. Н. Седих ўларнинг фаолиятига берилган юксак баҳо учун нашриёт коллективи номидан чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Кечада КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников иштирок этди.

(ТАСС).

Илгари хабар қилинганидек, Жиззах областидаги «Уч қаҳрамон» совхозининг марказий қўрғонида космонавтлар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков ва В. И. Пацаевга ҳайкал очилди. Суратда: космос қаҳрамонлари ҳайкали.

Б. Юсупов фотоси (ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ ...ДҚИҚОТЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 май. (ТАСС). «Салют-6» — «Союз-Т-4» — «Союз-40» орбитал комплекси... ...нинг ичида халқаро экипажнинг иш куни бугун Москва вақти билан соат 14 да бошланди ва соат 24 гача давом этади.

Учишнинг дастлабки кунларида одатда вазнсизлик шароитига кўникиш бошланғич босқичида организмнинг ҳолатини аниқлашга бағишланган тиббий тадқиқотлар ўтказилади.

Бригаликда учиш чоғида борлиб қайтувчи экспедиция экипажи «Союз-40» кемасида етказилган аппаратлар ёрдами билан бир қанча астрофизик ва техника эксперименталарини ...навтлар ст... ...маси бил... ...диэлектрик ...жойлаштир... Кун моба... Коваленок а... Владимир ...р Савиних.

Бугун космо... ...г иш бўл... ...камерасига ...екторларни ...

...бинологик объектлар билан олиб бориладиган эксперименталарда мўлжалланган операцияларни бажарадилар, жисмоний машқлар билан шуғулланадилар, ишда ўртоқларига ёрдам берадилар.

Телеметрик ўлчаш маълумотлари ва орбитадан олинаётган докладга кўра, «Салют-6» — «Союз-Т-4» — «Союз-40» илмий-тадқиқот комплексининг учиши нормал ўтмоқда.

Халқаро экипаж барча аъзоларининг соғлиги — ва аҳволи яхши.

ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ

СИЕСИЙ ва ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЯКУНЛОВЧИ МАШҒУЛОТЛАР

Сиесий ва иқтисодий таълим системасида 1980—1981 ўқув йили тугаб бораяпти. У мамлакатимизнинг коммунизм сари бориш йўлида муҳим босқич, халқаро ҳаётда янгича воқеа бўлиб қолган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди туфайли вужудга келган сиёсий ва меҳнат кўтарилишлари вазиятида ўтмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклади ва съезднинг бошқа ҳужжатлари партиянинг коллектив донолигини, унинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишга, ижтимоий тараққиётнинг объектив ривожланиши олга сурган долзарб вазифаларни ҳал қилишга ижодий ёндашишни ўзида акс эттиради.

Съезд СССРнинг 60-йилларда иқтисодий ва социал ривожланишининг, халқ турмуш даражасини янада оширишнинг ва коммунистик бунёдкорлик учун тинч шароитларни вужудга келтиришнинг кенг программасини ишлаб чиқди.

Буларнинг ҳаммаси сиёсий маориф системасида ҳозирги ўқув йилининг асосий мазмунини белгилаб берди. Партия, комсомол ва иқтисодий ўқувнинг барча формаларида, коммунистик меҳнат мактабларида, халқ университетларида тингловчилар март ойининг биринчи кунлариданоқ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладини, СССРнинг иқтисодий ва социал ривожланишининг 1981 — 1985 йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини ҳамда съезднинг бошқа ҳужжатларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Ўқув йилида янада масъулиятли босқич бошланмоқда. Худди ўтган йилларда сингари сиёсий ва иқтисодий ўқув системасида май ойининг охири ва июнь ойининг биринчи ярмида якунловчи машғулотлар ўтказилади. Ҳозирги пайтда партия комитетлари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари якунловчи машғулотларни ўтказишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Масалан, Тошкент область партия комитетининг сиёсий-маориф уйи якунловчи машғулотларни тайёрлашга бағишланган партия пропагандаси ташкилотчиларининг семинар-кенгашини ўтказди, партия ташкилотлари ва пропагандистларга ёрдам тарзидаги конкрет тавсиялар ишлаб чиқди. Уларда якунловчи дарсларнинг формаси, методлари ва муддатлари белгиланди.

Ана шундай тайёргарлик ишлари Андижон, Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Сирдарё ва бошқа областларда ҳам қизиғиб, юборилди. Якунловчи машғулотларга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар, жумладан Қорақалпоғистонда маҳаллий партия комитетлари сиёсий маориф кабинетларидаги мудиринг семинарида, партия ташкилотлари секретарларининг шаҳар ва район кенгашларида муҳокама қилинди.

Сиёсий мактаблар ва марксизм-ленинизм асослари мактабларида, хусусан, партиявий раҳбарлик методларини такомиллаштириш, партия ички ҳаёти, партиянинг ғоявий, сиёсий-тарбиявий ишлари, «Бизнинг мақсадимиз — коммунизм» умумий номи остида КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик планларини бажариш учун умумхалқ курашни ва бошқа масалаларни муҳокама қилиш тавсия этилади. Тингловчилар учун мавзулар тематикаси тузилган. Якунловчи машғулотларни суҳбатлар, амалий топшириқлари бажариш, тингловчилар тайёргарлигининг даражасини ҳисобга олган ҳолда якунловчи семинар машғулотлари шаклида ўтказиш мўлжалланмоқда. Назарий ва методологик семинарларда, партия-ҳўжалик активи мактаблари ва семинарларида одатдагидек, якунловчи конференция ўтказилади. Якунловчи конференцияларда тахминий планга кўра «КПСС — Совет халқининг авангарди» мавзуида асосий доклад, шу мавзунинг актуал масалалари бўйича партия XXVI съезди материаллари юзасидан қатор чиқишлар мўлжалланмоқда.

Якунловчи машғулотларда тингловчиларнинг партия, иқтисодий ва социал сиёсати, хўжалик механизмини такомиллаштириш, КПСС XXVI съезди қарорлари асосида илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини оммалаштиришнинг актуал мавзулари юзасидан тайёрланган рефератлари кенг муҳокама қилинади.

Марксизм-ленинизм университетларида ўқув планига мувофиқ партия раҳбарлигини такомиллаштириш, партия ички ҳаёти масалалари ҳамда ҳозирги замон шароитида идеология ишлари бўйича ваҳтлар, имтиҳонлар, рефератларни ҳимоя қилиш, шунингдек, конференциялар бўлади.

Партия комитетлари, уларнинг сиёсий маориф уйлари ва кабинетлар партия ташкилотлари ҳамда пропагандистларга ўқув йилини уюшқоқлик билан якунлашларида ёрдам беришга даъват этилгандирлар. Пропагандистларнинг навбатдаги семинарида якунловчи машғулотлар масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилиши керак. Токи якунловчи машғулотларнинг юқори савияда, уюшқоқлик ва ғоявий-назарий жиҳатдан пухта ўтказилиши, назарияни партия ташкилотлари олдида турган конкрет вазифалар билан уйғунлашган алоқаси таъминлансин. Пропагандистларни ўз вақтида КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари, муайян бошланғич партия ташкилоти қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги таҳлилий материаллар, мазкур мактаблар, семинарларнинг тингловчилари ишлаётган корхона, колхоз, совхоз, бўлимнинг иқтисодий фаолиятига доир маълумотлар билан таъминлаш керак.

Сиёсий ўқувнинг сифати ва самарадорлигини оширишда ўқув йили якунларини КПСС XXVI съезди талаблари, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик сиёсий-тарбиявий ишлари янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида чуқур таҳлил қилиш ҳамда коммунистлар йиғилишларида, партия комитетларида муҳокама қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу иш жараёнида диққат-эътиборни тингловчиларнинг якунловчи машғулотларда билдирадиган қимматли истаклари, таклифлари, танқидий мулоҳазаларини ҳисобга олиш, умумлаштириш ва амалга ошириш сингари ўқувнинг самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган муҳим омилга қаратиш лозим.

Аввалги йилларда бўлганидек, ўқув йили якунларини чиқаришда янги ўқув йилини бошлашга тайёргарлик масалаларини ҳам кўриб чиқиш зарур.

Тайёргарлик ишларини КПСС XXVI съезднинг: «Чамаси, семинарлар тингловчиларнинг сонини ҳаддан ташқари кўпайтиришга маҳлиё бўлмай, ўқувнинг сифатини, аввало коммунистлар ўқувнинг сифатини қатъиян ошириш керак. Пропагандист кадрларимизни танлаш, тайёрлаш ва уларга ўз вақтида ахборот бериб туришга ёндашмай туриб, бу вазифани ҳал этиб бўлмайди» деган кўрсатмалари асосида қатъий олиб бориш керак.

Партия ташкилотлари энг аввало пропагандистларнинг сифат составини қайта кўриб чиқишлари лозим. Бу ишга анча тайёргарлик кўрган, марксча-ленинча назарияни қизиқарли, ҳаммабоп, иқтидорона пропаганда қиладиган, партия сиёсатини тарғиб қила оладиган, тингловчиларнинг барча саволларига ишонарли жавоб беришга лаёқатли, обрў-эътиборли коммунистларни жалб қилиш даркор.

Ёзги пайтда сиёсий-маориф уйлари партия ўқуви пропагандистларини тайёрловчи ва қайта тайёрловчи курслар ташкил қилишлари зарур.

Мана шу ёзги даврда партия ташкилотлари ягона сиёсий кунлар, лекциялар, сиёсий ахборотлар, савол-жавоб кечалари, фан ва маданият ходимлари, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан тематик учрашувлар сингари сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боришнинг синалган ва оммабоп формасидан янада яхшироқ фойдаланишлари лозим. Барча пропаганда ишлари КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклади ва КПСС XXVI съезднинг бошқа ҳужжатларининг моҳияти ҳамда аҳамиятини чуқур очиб беришга, коммунистларни, барча меҳнаткашларни 1981 йилнинг саноат, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачиликнинг барча кўрсаткичлар бўйича планлари ва юксак мажбуриятларини бажариш ва ошириб бажаришга сафарбар қилишга қаратилиши керак.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ДЎСТЛИК МАДҲИ

Қўлимизда рангли, баланд дид билан безатилган «Ҳақиқати Ўзбекистон» ва «Совет Тожикистони» — икки қардош республикалар газеталарининг 16 май куни нашр этилган қўшма сони. У Ўзбекистонда ўтадиган Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари — ўзбек ва тожик халкларининг азалий ва абадий дўстлиги ва қардошлигининг улкан шодиёна байрамига бағишланган.

«Ўзбек ва тожик халклари дўстлигининг илдизлари асрлар қаърига бориб такалади. Бу ҳақда фикр юритганда, дарҳол икки буюк зот — Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийни эслайди киши». Ўрток Шараф Рашидович Рашидовнинг бу ҳикматли сўзлари қўшма сонда чоп этилган ранг-баранг, ёркин ва қизиқарли материалларнинг этиграфидир.

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг «Меҳримиз дилларда, кўзимиз йўлларда» номли публицистик мақоласи совет халкларининг бузилмас дўстлиги, тожик ва ўзбек халкларининг кадимий ва ҳамиша навкирон биродарлиги ҳақида битилган жарангдор қўшиққа ўхшайди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. Б. Бобосодиқова ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева, Янгийўл районидаги Ҳамрокул Турсунқулов номли колхоз раиси Ў. Жўраев ва Хўжанд районидаги Ленин номли колхоз раиси А. Абдурахимов мақолалари, Уйғун ва Нормурод Нерзуллаев, Лойиқ ва Мавжуда Ҳакимова шеърларида келтирилган ёркин фактлар ва мисоллар, айтилган оташин сўзлар маданий ва иқтисодий соҳада, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ҳамкорлик қилаётган халкларимизнинг меҳнат зафарларини кўзгудай намоён этади.

Қўшма сон материаллари халкларимиз дўстлигининг сўнмас теронасидир.

КПСС XXVI съезди: олий таълим ва давр талаби

КАМОЛОТ ЧЎҚҚИСИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

Партия ва ҳукуматимиз малакали мутахассислар тайёрлашга ҳамиша катта эътибор бериб келадилар. Зеро халқ хўжалигининг эртанги кунини бугунги студент белгилайди. Шунинг ҳам борки, бизда юқори малакали мутахассислар тайёрлашда кечки ва сиртқи таълим муҳим ўринни эгаллаб турибди. КПСС XXVI съездида қабул этилган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида «Кечки ҳамда сиртқи таълим ривожлантирилсин ва яхшилансин» деб алоҳида таъкидланиб, мутахассислар тарбиялашнинг ана шу тасирчан йўлидан янада кенгроқ ва самаралироқ фойдаланишни тақозо этади.

Республикамизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мутахассислар тайёрлашда маълум анъана қарор топди, қизиқарли тажриба тўпланди, эътиборга лойиқ ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистонда шу хилда мутахассис тайёрлаш бундан 50 йил муқаддам, ҳозирги Тошкент политехника институтининг бир неча факультетида бошланган эди. Кейинчалик Фарғона педагогика институтида кечки, Тошкент давлат университетида сиртқи бўлимлар ташкил этилди.

Ҳозирги кунда республикамиз олий ўқув юртларида ўн олтита кечки ва ўттиз саккизта сиртқи бўлим бор. Қариб 40 минг студент кечки, 87 мингдан ортиқ йигит-қиз эса сиртқи таълим машғулотларига жалб этилган. Бу кўрсаткич жами студентларнинг 44,5 процентини ташкил этади. Хусусан кейинги йилларда бу йўл билан мутахассис тайёрлаш кескин кўпайди. Ўнинчи беш йилликнинг ўзида 12 мингдан ортиқ мутахассис сиртқи, 5 минг киши кечки бўлимларда ўқиб диплом олди.

Олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида таълим бераётган профессор ва ўқитувчилар ғоявий-сиёсий дунёқараши кенг, ўз билимини муттасил такомиллаштиришга интиладиган малакали мутахассисларгина халқ хўжалигининг барча тармоқларини фан ва техниканинг оллинги марраларига олиб чиқишга, бинобарин ишлаб чиқаришни интенсивлаш вазифаларини ҳал этишга қодир эканлигини жуда яхши тушунадилар. Шунга мувофиқ битирувчиларнинг илмий-амалий тайёргарлик даражасини ошириш, ўқув методик, сиёсий-тарбиявий ва илмий-тадқиқот ишларни такомиллаштириб бориш юзасидан самарали чоралар амалга оширилмоқда. Таълимнинг техник воситаларидан ва кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш практикалари ташкил этиш яхшилаш, курс ва диплом ишлари корхоналар эҳтиёжига яқинлаштирилмоқда. Айниқса, ишлаб чиқаришга мўлжалланган таълимни, ўқув ишларини янги, илғор формаларини ва методларини жорий этиш тадбирлари кўрилмоқда.

Тошкент халқ хўжалиги институтидан ибораат олиб, барча ўқув юртларининг биринчи курс студентлари мажбуриятларини бажариш этилди. Таблари ташкил этилди. Университетларда а кўпгина институтларда қўйи курс студентлари мустақил ишлашга ўзчил ўргатиб борилмоқда. Ўқув жараёнини қатъий планлаштиришга эришилмоқда, имтиҳон ва синов муддатлари, диплом лойиҳаларини ҳимоя қилиш вақти олдиндан белгилаб қўйилмоқда. Тошкентдаги политехника ҳамда тўқимачилик ва енгил саноат, Фарғона политехника ҳамда Самарқанд архитектура-қурилиш институтларида кечки ва сиртқи таълим бўйича мустақил кафедралар ташкил этилган, бир қанча олий ўқув юртларида методик енгаш ва комиссиялар ишлаб чиқилиб, илмий-методик конференциялар ўтказилмоқда. Ишларни коммунистик руҳда тарбиялашда ижтимоий фанлар роли ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Студентлик билети топшириш, аълочилар слёти, бадиий ҳаваскорлик ва техник ижодиёт кўрик-конкурслари кечки ва сиртқи таълим йўли билан мутахассислар тарбиялашда ҳам ажойиб мактаб бўлиб қолди. Шундай таълим олаётган студентларнинг илмий ижодиёти кенгайиб бормоқда. Кўпгина олий ўқув юртларида студентларнинг илмий-техника конференциялари, конкурс ва олимпиадалар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Ҳар йили ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган студентларнинг 500 га яқин илмий-тадқиқот ишлари диплом ва ёрлиқлар билан тақдирланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кадрлар тайёрлаш партия ва совет органлари, министрлик ва идораларнинг, корхона ва ташкилотларнинг доимий эътиборида экканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айниқса Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги химия, Намангандаги шойи газламалар, Навоийдаги кон-металлургия комбинатлари ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар мутахассислар тайёрлашнинг бу ажойиб йўлидан фойдаланишда бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Бу борада тўпланган тажрибалар умумлаштириб борилмоқда.

Республикамиз олий ўқув юртлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажара бориб бутун кучайратларини ҳал этилмаган проблемаларга қаратмоқдалар, кечки ва сиртқи таълим самарадорлигини оширишнинг янги марраларини белгилаб олмоқдалар. Барча олий ўқув юртларимизнинг филиаллари ҳамда ўқув-консультация пунктларида, кечки ҳамда сиртқи факультет ва бўлимларида мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилашнинг ташкилий форма ва методлари белгиланмоқда.

Республикамиз пойтахтида «Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш йўллари» мавзуида II республика илмий-методик конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида кечки ва сиртқи олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш проблемалари муҳокама этилди. Шундай бўлимларда ўқиётган студентларга нуқур билим беришда, ёшлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олишда корхона ва ташкилотларнинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш борасида тажрибалар алмашилди.

О. АББОСОВА,
Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг биринчи ўринбосари.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

КЎП НУСХАДА

Париждаги «Пергамон пресс франс» нашриёти француз тилида кўп нусхада чиқарган китоб «СССРнинг бугунги ва эртанги куни. «КПСС XXVI съезднинг ҳужжатлари» деб аталади. Бу китобга КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Марказий Комитет номидан КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот доклади, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихоновнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисидаги доклади, КПСС XXVI съезднинг бошқа ҳужжатлари, шунингдек СССР Конституциясининг матни кирган.

«Пергамон пресс франс» нашриётининг бош директори Б. Жансон ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Биз «СССРнинг бугуни ва эртанги куни» китобини совет коммунистларининг ғалабалари ва асосий йўналишларини белгилаб берди. Биз ...ман совет ички ва ташқи сиёсатининг келгуси даврдаги асосий йўналишларини белгилаб берди. Биз китобхонларимизга қўйт муҳим сиёсий ва илмий аҳамиятга молик бўлган асосий ҳужжатларни тавсия этмоқдамиз. Бу ҳужжатлар билан танишиш Совет Иттифоқидек буюк давлатнинг ривожланишини англаб олиш учун зарурдир.

Бу китобни нашр этиш билан, деди Б. Жансон, «Пергамон пресс франс» нашриёти «Марксизм-ленинизм» рубрикаси остида китоблар туркумини нашр этишни бошлайди. Бу рубрика остида КПСС ва Совет давлати раҳбарларининг босма асарлари ва нутқлари чоп этилади.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Ўрток Л. И. Брежневнинг ҳаҳромон шаҳар — Киевдаги ёдгорлик комплекси тантанали очилиши вақтида сўзлаган нутқи барча қитъаларда тинчликка ва инсониятнинг ақл-заковатига қилинган оташин даъват деб қитиб олинди. Етакчи халқаро обзорчилар, таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари бу нутқни НАТО кенгашининг Римдаги сессияси чиқарган агрессив қарорларига мўътабар жавоб деб, СССР тинчлик ва тинч ҳамкорликни сақлаб қолиш манфаатларини ҳамон биринчи ўринга қўйиб келаётганлигининг далили деб, баҳоламоқдалар.

Л. И. Брежневнинг нутқи хусусида чет элларда билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда кўпгина мамлакатлардаги тинчлик тарафдорларининг актив ҳаракатлари планетамиз халкларининг КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан 80-йилларга мўлжалланган совет Тинчлик программасини астойдил қўллаб-қувватлаётганликлари ндан яққол далолат беради. Ғарб сиёсатлонларининг найрангларига ва Советларга қарши пропагандаининг ашаддий тус олишига қарамай кеклиниини юмшатиш ва ҳамкорлик ғояларини, холис ниятли кишилар кенг миқёсда қўллаб-қувватламоқдалар. Фашизмга қарши уруш сабоқлари зое кетмади. Кўпгина мамлакатларда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 36 йиллиги тантанали нишонланди.

Узоқ муддатли тинчлик бўлиши мумкинлигига, тинчлик урушлар ўртасидаги нафас ростлаш даври эмас, балки турмуш нормаси бўлиб қолиши мумкинлиги ва лозимлигига инсоннят ўз тажрибасида ишонч ҳосил қилди. Европадаги ва қолаверса бошқа қитъалардаги миллион-миллион кишилар учун тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик принципларини конкрет мазмун билан тўлдириш. Бу принципларга одамларнинг яшаш, умумий меҳнат қилиш, фаровонликни ошириш ҳуқуқини таъминлаб келмоқда.

Айни шу боисдан бутун дунёда ҳозирги Америка маъмурининг милитаристик йўлига қарши норозиликлар кучаймоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун ўтказилган Ж кат ҳафталиги тинчлик рафдорлари ҳаракати ва оммавийлигини салмоқли равишда намойиш Англия, Ғарбий Германия, Франция, Италия, Португалия, Бельгияда ва Европанинг бошқа мамлаларида бўлиб ўтган намойиш ва митинглар минглаб кишилар қатнашди. Ҳамма жойда Америка янги ядро ракетларини Ғарбий Европага жойлаштиришга қарши ва ... мактубларига имзо ... бошланди. Халқлар оловини сўндирмоқ ... оловини сўнувчилар ... жаларини қатъиян ... ...лмоқдалар.

ФРАНЦИЯ ЎЗГАРИШ АРАФАСИ

Шу кунларда ...анция ўзгаришлар арафасида ... ...ёмоқда. Овоз бериш ...нг 10 ... майи куни бўлиб ... ...кинчи даврасидаги ... Франция Социалистиясининг раҳбари ...ттеран мамлакатнинг ...резиденти қилиб сайланганлиги ...Сайловчиларнинг ...ёсий ...ёнтдан ...ёлаш биринчи даврадаги ...ция Коммунистларининг ...ёзоди учун ...ёрган кишилар ...ёлар ...ёзоди учун овоз бердилар.

Ф. Миттеранга ...ёзоз бериш ...ёнинг ...ёлаганлигини ...ёнинг ...ёнлиги ...ёнинг ...ёнлиги ...ёнинг ...ёнлиги

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

«ТОЖИКИСТОНИ СОВЕТИ» ГАЗЕТАСИ— МЕҲМОНИМИЗ

КАТТА КЎРИК АРАФАСИДА

С. МИРЗОШОЕВ,
Тожикистон ССР маданият министри

Советлар мамлакати маданияти кўпмиллатли хусусиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу маданият равнақига ҳар бир иттифоқдош республика ўз ҳиссасини қўшади ва бу нарса миллий маданиятларнинг ўзаро бойиб боришини таъминлайди. Бу фароғатбахш жараён Ўрта Осиё халқлари ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида ҳам Улуғ Октябрь революциясидан сўнг содир бўлган улкан ўзгаришлар натижаси бўлди.

Ҳозирги Тожикистон маданияти қоявий мазмун ва бадиий шаклнинг бой ҳамда ранг-баранглиги, профессионал даражасининг ўсиб бораётганлиги, чуқур интернационалистик йўналиши билан ажралиб туради.

Республикамизнинг 12 профессионал театрида Ватанимиз ва жаҳон классика си дурдоналари, тожик ҳамда қардош республика драматурглари ва композиторларининг асарлари қўйилмоқда. Театр коллективлари тожик саҳна лекциномасини яратишдек олижаноб ишни фаол давом эттирмоқдалар, тарихий-инқилобий мавзуга доимо жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Замонавий мавзу, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар ҳаётининг муҳим масалаларини ўз ичига қамраб олган спектакллар театримиз репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллаб, турибди.

КПСС XXVI съездини муносиб қутиб олишга бор имкониятларини сафарбар этган республика театр коллективлари қатор янгиликасарларни саҳналаштирдилар. Булар орасида «Олтин қишлоқ» (Д. Дўстмуҳамедов), «Революция номи билан» (М. Шатров), «Интервенция» (Л. Славина), «Шаҳар ухлаганда» (А. Чхеидзе) ва бошқа спектакллар бор.

СССР халқ артистлари М. Собирова, А. Бобоқулов, А. Бурхонов, Т. Фозилова, Ҳ. Мавлонова, Л. Кабирова, Ғ. Валламатзода, Н. Волчков, Ж. Муродов ва санъатимизнинг бошқа етук намояндалари ижодий фаолияти фақат тожик халқи бадиий маданиятининг эмас, балки, кўпмиллатли Ватанимиз санъатининг ютуғи сифатида тилга олинмоқда.

Кекса авлоддан юксак гражданлик ва профессионаллик эстафетасини олган таланти ижодкор ёшлар ҳам жиддий ютуқларни қўлга киритмоқдалар,— хизмат кўрсатган «Лола» Давлат раққс ансамбли, Тожикистон Давлат филармонияси коллективи репертуарлари миллийлик ва интернационалликнинг диалектик бирлигини ўзида акс эттиради.

Республикамиз профессионал театрлари репертуаридан ўзбек драматурглари Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Қаҳҳор, К. Яшин, С. Аҳмад, Ғ. Зафарий, Б. Раҳмонов, Ўйғун, М. Каримов, Ф. Мусажонов, Ў. Рашид ва бошқаларнинг асарлари муносиб ўрин олди. Бу спектакллар эўр муваффақият билан намойиш этилмоқда. Қардош халқлар театр санъати билан ўзаро ижодий алоқаларини мустаҳкамлашда гастроль фаолияти ҳам муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги йиллар мобайнида А. Лоҳутий номидаги Тожикистон Давлат академик драма театри Ленинград, Бухоро, Самарқанд шаҳрида, В. Маяковский номидаги Рус драма ва республика драма, комедия театрлари Ўзбекистон ҳамда Қирғизистонда гастроль сафарларида бўлди. Ўз навбатида қардош республикалар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг бир қатор театр коллективлари республикамизда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Тожик ва ўзбек санъат усталаридан иборат филармониялар, коллектив алмашинуви ҳам актив давом этмоқда.

Профессионал ва ҳаваскорлик коллективларининг энг узоқ қишлоқларда, олис яйловларда, дала шийпонларида чиқишлари, Жанубий Тожикистон территориал ишлаб чиқариш комплексининг янги қурилишларида етук санъат намояндалари билан бўладиган учрашувлар анъанага айланиб қолди.

Ўзбекистонда ўтадиган Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари ҳамда Тожикистонда ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари мамлакатимиз қардош халқлари ўртасида ривожланиб ва кенгайиб бораётган дўстона алоқаларнинг ёрқин кўринишларидан биридир. Бу дўстлик ва қардошлик байрамлари шонли бир кунларда, барча совет кишилари мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг КПСС XXVI съезди белгилаб, берган улкан режаларини амалга оширишга киришган бир даврда бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистонда ўтадиган Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларида республикамиз санъат усталари, ижодий союзларнинг намояндалари иштирок этадилар. Улар Ўзбекистоннинг шаҳар ва районларида бўладилар, саноат корхоналарида, колхоз-совхозларда, ўқув муассасаларида меҳмон бўладилар, қадрдон ўзбек халқининг ҳаёти ва меҳнати билан яқиндан танишадилар. Ўзбекистонлик дўстларимиз ҳузурида С. Айний номли Тожикистон Давлат академик опера ва балет театри, Пушкин номли республика музейнали комедия театри, С. Вализода номли Кўлоб музикали драма театри, А. Рўдаки номли Хорег область музикали комедия театри артистлари ўз санъатларини намойиш этадилар. Шунингдек, хизмат кўрсатган «Лола» Давлат раққс ансамбли, Тожикистон Давлат филармонияси концерт группалари, рубобчи қизлар ансамблари ҳам ўз ранг-баранг программаларини кўрсатадилар.

Санъат муҳлислари шашмақомчилар ансамблининг, Тожикистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг «Гулшан», «Зебо» ансамблари, халқ чолғу асбоблари оркестри концертларини томоша қилиш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистонда тожик фильмлари кўриги ўтказилади, тожик рассомлари кўргазмаси уюштирилади, ёзувчилар, композиторлар ва бошқа санъат, маданият арбобларибилан учрашувлар бўлиб ўтади.

Ўзбек тупроғидаги бўлажак учрашувлар, шубҳасиз, Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари қатнашчиларида ёрқин таассуротлар қолдиради, уларнинг ижодларига илҳом бахш этади.

Евондаги химия заводи республика меҳнаткашларига зарур маҳсулотларни етказиб беришда шуҳрат қозонган. Бу ерда ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Ўнгдаги суратда сиз ана шу корхонанинг ишчиси А. Қаҳҳоровни кўриб турибсиз.

Душанбадаги «Гулдаста» бирлашмасининг тикувчи-моториcтласи А. Нурова илғор ишчи бўлиш билан бирга давлатимиз олий органининг депутати ҳамдир. СССР Олий Совети депутати А. Нурова сайловчилар наказларини ҳам ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилади.

ЮКСАЛИШ САРИ

Хўжалик бошлиғи ижодкор бўлмоғи лозим, хўжалик келажаги, уни интенсив равишда ривожлантириш ҳақида ўйлаши керак. Босиб ўтилган йўлни ҳам унутмаслиги керак. Таққослаш яхши нарса. Мана, бизнинг хўжалигимиз. Қанча қийинчиликларни бошдан кечирди. Техника ва механизаторлар асосий проблемалардан эди. Бу проблемани ҳал қилгач қаддимизни ростладик. Ҳозир колхозимизда 200 та ҳар хил маркали трактор бор. Механизаторлар ҳам етарли даражада.

Колхоз ипак пахта экади. Юксалиш тўғрисида фикр юритганда, кўз олдимда ёрқин рақамлар жонланади. Бундан ўн йил муқаддам ҳар гектаридан 20—23 центнердан ҳосил кўтардик. Ўтган йили ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Нуров ва республика пахта усталари С. Равшанов, Б. Умаров бошқараётган бригадалар 43—49 центнердан хирмон кўтаришди. Колхозимиз охирги беш йил ичида социалистик мусобақада пешқадам. Ўнинчи беш йилликда планга қўшимча равишда 4 минг 600 тонна «оқ олтин» топширдик. Асосий кисми ингичка толали пахта.

Комплекс механизациялаш туфайли ҳар центнер пахтанинг таннархи тобора арзонлашмоқда. Ўтган йили 1979 йилга нисбатан ҳар центнер пахта таннархини беш сўмгача камайтирдик. Хўжалик пахтадан 4 миллион 600 минг сўм фойда кўрди.

Хўжалигимиз давлатга сут, гилла, мева, узум ва лимон етиштириш ҳам кўпайтирмоқда. Моҳир сут соғувчиларимиз ҳар бир соғин сигирдан 3 минг 600 литргача сут топширмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз ҳалол меҳнатни, албатта юксак қадрлайдилар. Шу йилнинг бошида менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини беришди. Ғоятда миннатдорман.

Ҳозир барча диққат-эътибор ғўза парваришига қаратилган. Чигит бир текис униб чиқди. Узлуксиз равишда озиқлантирямиз. Бу йилги баракали хирмонимиз яна ҳам юксакроқ бўлиши муқаррар.

Т. САДРИДДИНОВ.
Шаҳритуз районидаги Ломоносов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ФАЙЗЛИ ЙИЛЛАР

Заводимизнинг меҳнатсевар коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун жонбозлик кўрсатмоқда. Съезд ҳужжатларини чуқур ўрганиб, янги маррапар белгиладик. Бу ўз виждонимиз, коллективимиз, партия ташкилотимиз олдидаги ўзига хос ҳисоб-китоб ва мажбурият эди.

Ўтган беш йилликда заводимиз коллективи улкан муваффақиятларга эришди. М—150, МТМ—150 машиналарини, бир қатор янги автоматларни ишлаб чиқаришга жорий этдик. Бу машиналар мамлакатимизнинг барча тўқувчилик корхоналарида ва бир қанча чет эл мамлакатларига юборилади. Уларнинг 40 проценти Сифат белгисига эга.

Корхонамиз ўнинчи беш йилликда маҳсулот ҳажмини 2,5 баравар кўпайтирди. Учта янги цех ишга тушди. Қувонч билан қайд қилмоқ керакки, съезддан съездгача ўтган вақт ичида маънавий ҳаётимизда, одамларнинг ишга, жамоат топшириғига, муносабатида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Дўстлик, биродарлик, бир-бирини қўллаш, интернационализм туйғулари янада мустаҳкамланди. Ана шу ижобий ўзгаришлар туфайли бригадамиз ўнинчи беш йилликда олти йиллик планини уддалади. Ўн биринчи беш йилликда қўлга киритилган меҳнат зафарларимизни янада кўпайтиришга бор имкониятни ишга соламиз.

Ўнинчи беш йиллик менинг ҳаётимда ҳам фойдали из қолдирди. Меҳнатда эришган муваффақиятларим учун Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти билан тақдирландим. Бу йил Меҳнат Қизил Байроқ орденига мушаррраф бўлдим. Ўтган йили олий партия мактабини тугатдим.

Ўн биринчи беш йилликни тўла-тўкис бажарамиз. Дастлабки йилнинг тўрт ойлик плани ошиғи билан адо этилди.

М. ҲОМИДОВ,
Ф. Э. Дзержинский номидаги Душанба «Тажиктекстильмаш» заводининг фрезерчи-автоматчилар бригадаси бошлиғи

ПУБЛИЦИСТИКА

САЛОМ, ВАХШ!

ТЎҚСОН ЕШЛИ ЖАЛОЛ БОБО ҲИКОЯСИ

САЛОМ, ВАХШ, йигитлик чоғим, умримнинг шира-шарбати! Ростини айтсам, эсингдами, йўқми, билолмайман. Ахир, биз жуда кўпчилик эдик. Эҳтимол, бугун ҳаммани бирма-бир эслолмасман. Кечир, мен нималар деяпман ўзи?! Мингларнинг бири бўлсам ҳам, сен, албатта, мени унутмагансан, ташлаб чунки, буюк қалбинг гўшасидан жой бергандинг. Чунки, сен Замиксан-у, мен — Нясон! Отам насиҳат қиларди: ерни қаттиқ тепма, озор топса сени тепади. Ер ҳаммани кўради, ёдда тутади ва яхшига яхшилик қилади-ю, ёмонга ёмонлик. Замин — ҳақшунос. Сен ҳам замнисан ва, албатта, ана шунга амал қилдасан.

Бугун сенга, Вахш, Жалол бобо деган сочсоқоли пахтадай оппоқ мўйсафид салом йўллаб, отаси Аблужалил руҳига онт ичадики, сендан минг бора миннатдорлик. Ахир, сен туфайли мен олий инсоний мартаба — отаохонлик даражасига етдим, иззату икромга эришдим. Минг раҳмат сенга Вахш!

Ўглим Додохон кеча ишдан гул-гул очилиб қайтди. Қўлида — газета. Қувончини ичига сиғдиролмасди. Менга газета тортди. Худди қайтадан гўдак бўлгандай эркалаб:

— Дада, суюнчи беринг! — деди.

— Суюнчи бошингиздан айлансин, Додо, қани эшитайлик?

— Йўқ, аввал чўнтакни кавланг, кейин айтаман.

Афтидан, ёшлигидаги қайсарлиги ҳуруж қилганди. Чўнтакка қўл суқдим, аммо қўлимни чиқармасдан Додохон сирини очди:

— Қўрғонтепа областига Ленин ордени берилибди!

— Э, отангизга шакар, Додо. Қани, кўрайлик.

Газетани менга узатди. Кўз югуртирдим. Хатлар жимгина кўринди. Ахир, саводим бўлмаса... Қаерга қарашни билмасдим. Додохон бармоғи билан астагина бир жойини кўрсатди. Газетанинг ўша жойини кўзимга суртиб, ўқидим. Кўзимдан қувонч ёшлари оқди.

— Жиликўл тўғрисида ҳам мақола босилибди, — хушхабар етказди яна.

— Қани, эшитайлик.

Додохон баланд овоз билан ўқий бошлади. Аммо қулоғимга фақат бир сўз кирди, холос: Жиликўл, Чиликўл...

Ўзимни тутолмадим.

— Додо, дурустроқ ўқи.

У ажабланиб менга қаради.

— Дурустроқ ўқи, — дедим «зарда» билан.

— Дада, ахир, борини ўқияпман. Мана бу ерда «Чиликўл» ёзилган.

— Чиликўлмас, Жиликўл де, — афтидан, асабийлашиб қаттиқроқ гапирган бўлсам керак, неварам қўрқиб отасига қўшилди. Мўлтираб гоҳ менга қарарди, гоҳ отасига. Ўглим қизарди. Қизиғиним сабабини пайқаганди.

— Бўлинг ҳақ, — неварамнинг бошини силаб узр сўрагандай аста деди у ва менга қаради. — Кечирасиз, дада. Эсимдан чиқибди.

— Эсингда бўлсин.

У тушунди. Бундан чамаси қирқ йил олдин ҳам худди шундай деганди...

«Муҳожирлик»нинг илк йиллари. Шароит оғир. Уй у ёқда турсин, ҳатто шийпон ҳам йўқ эди. Суви маза-матресиз эди. Қисқаси, ҳар қадамда ота-бобо юрти эсга тушарди-ю, юрак беихтиёр жизиллаб кетарди. Янги ерга жуда қийинчилик билан ўргандик. Аммо бора-бора «оҳ-оҳ, ўзимизнинг сувимиз қандай ширин эди, у ерда; Исфарада мана бундай деган» гаплар камайиб, уларнинг ўрнини «Жиликўл ери серҳосил», ва, кейинроқ «ер эмас, олтин» деган сўзлар эгаллади.

Янги ер ҳаммадан аввал болаларга ёқди. Кун бўйи тўрт томонга югуриб, янгидан-янги ўйинлар чиқарардилар. Бир куни тўда бўлиб ўйнаётган болалар ёнидан ўтиб борардим. Қулоғимга «Чиликўл, Жиликўл» деган сўзлар чалинди. Юрагимни ўқ тешиб ўтгандай бўлди. Ғазаб билан ҳайқирдим. Қўрқиб тум-тарақай қочишди. Болалар орасида Додохон ҳам бор эди. Қўлидан ушлаб, уйга олиб бордиму аввалига қаттиқ, сўнг мулойимлик билан тушунтирдим: сенга обу нон бераётган жойнинг номини масхаралаш одоблан эмас. Тузини еб, туздонга тупурмайдилар. Ахир, қишлоғимизнинг гўзал, чиройли номи бор. Жиликўл асли Жилокўлдир, яъни суви жило берадиган кўл...

Додохон ўшанда тавба қилиб, бундан сўнг бундай демасликка ваъда бергандиди. У кезда ё 13, ё 15 яшарлик эдим. Ҳозир менинг ёнимда ёш элликдан анча ошган, танасида қолган ўқ парчасининг асорати уруш даҳшатларини ҳар лаҳза эслатиб турадиган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган одам бўлсам ҳам, ўтган йил ўтмагандай. Ўзимни ҳам ёшроқ сезгандай бўлдим.

Ана, шунақа гаплар, менинг азиз орзуларимга қанот берган Замин. Номингни бузиб, мазах қилишларга йўл бермайлик. Чин кўнгилдан табриклайман, эй менинг Вахшим! Камолот тўйинг қутлуг бўлсин! Афсуски, борибсен сени қучоқ-қучоқ ўполмайман. Ахир, айтганларидек, ёшим ҳам анчага борган. Тўқсонинг нафаси гупиллаб урянти.

Эсингда бордир. Ё ўттиз иккинчи, ё ўттиз учинчи йил эди. Биз Исфара районининг Чингази қишлоғидан 50 киши кўч кўронимизни кўтариб, бир неча хўмизни ҳўш-ҳўшлаб шаҳар вокзалига келдик. Вокзалда одам гавжум. Навгилам, Кўлканд, Лакнон, қисқаси, районнинг барча қишлоқлари вакиллари кўчишга бел боғлаганди. Ҳамманинг мақсади битта: чўлни гуллатиш. Асбобу анжомларимиз орасида ҳар хил дарахт кўчатлари ҳам бор эди. Ҳозир эпас-эпас эслайман: «бораётган жойимизда ақалли бирор бута ҳам учмас экан» деган миш-мишлар тарқаганди. Хайр, учмаган бўлса, учдирамиз. Ҳа, у вақтда ёш эдик, қонимиз қайнаб турарди, кучимизга ишонардик. Қалбимиз ҳам дарак бергандиди, сен бизга, одам фарзандига муштоқсан.

Менинг Вахшим, хато қилмаганимиздан ғоятда хурсандман. «Муҳожирлар» саратон қиёмида қадам қўйдилар: осмону замин ёнгандиди. Бошпана бўладиган бирор бута кўринмасди. Халойиқ жон талвасасида ўзини қамишзорга урди-ю... оҳ, ёнгё қиёмат қойим бўлди қолди. Кўпчиликнинг кўзига, менга ҳам, олам қоронги кўринди. Ҳозиргина бўйдоқлар бўлган одамлар бир зумда қоп-қораяиб, бешдан оёқ шишиб кетишгандиди? Тўғриси, ҳаммамизнинг кайфи учди, баъзилар ўша заҳоти қўчиш пайига тушишди. Ҳайриятки, кўп вақт ўтмасдан масала равшан бўлди-ю, чўлни гиёҳ қилгу босди. Бу саноқсиз тўсиқларингнинг биттаси — чивинлар лашкари устидан қозонилган биринчи ғалабанинг нишонаси эди.

Қутилмаган «ҳужум»ни даф этгандан сўнг ҳеч бўлмаганда вақтинчалик бирор бошпана қуриш пайига тушдик. Елиб-югурдик. Қамиш қўл келди. Учта колхоз туздик. Бу ғапни эшитиб, ҳозир кўпчилик кулади. «Шунча одам билан учта колхоз? — ишонмасдан сўрайдилар улар. — Йўқ, ҳеч ақл бовар қилмайди». Баҳслашмоқчи эмасман. Фақат айтмоқчиманки, бу ғап ўша пайтда жуда катта ғап эди. Аммо кindик қонимиз тўкилган юрт азиз эди, албатта. Колхозлар номини ҳам ҳар вақт оғизни тўлдириб айтайлик деган мақсадда уларга «Большевики Исфара», «Коммунисти Исфара» (учинчисида ҳам Исфара сўзи бор эди) ном бергандик.

Бугун, азиз ўлкам, гўзалсан, дилрабосан. Таъриф-ифинг достонларга сиғмайди. Аммо, эсингда борми, бизнинг қай аҳволда кутиб олгандинг? Албатта, эсингдадир. Гарчи, ободлик ташвиши бўлсанг ҳам бошинг устида одам ботини илк бора кўрардинг. Биз ҳам ишга ўч эдик, Кучимизни кўрсатишни жону дилдан истардик. Тоғни урсак талқон қиладиган пайтимиз эди.

Ҳеч унутмайман. Бизга фирқа аъзолари тушунтиргандилар: совет халқи ҳамма нарса билан, жумладан, пахта билан ҳам ўзини ўзи таъминлаши керак. Улуғ Ленин 1920 йилда ёқ пахтачилик тўғрисидаги Декрета имзо чекканди. Шунинг учун ҳам «Вахшстрой» зарблар қурилиш деб эълон қилинди. Шунинг учун ҳам бор-йўғи уч йилда қад кўтарди. Энди навбат бизники... Биз ҳам қамишдан бел боғладик. Мисрий пахта экдик. Жон қуйидирардик, аммо паст ҳосил берарди. Олдимизга бир рус йигити серқатнов бўлиб келди. Иш юзасидан ҳар хил саволлар бериб, огоҳлиндан чиққанини дафтарчасига ёзарди. Ўтгизинчи йилларнинг охирларига бориб, ишимиз анча енгиллашди. Янги чигит беришди: ўстириш ҳам, парвариш қилиш ҳам осонроқ эди. Ҳиммонга анча барака кирди. Бу ўзимизнинг иля пахтамиз, айтишларича, ўша серқатнов рус йигити кашф этибди буни. Қандини урсин!

Биз сенга, Вахш, ўғлинг қўйдик! Шунинг учун ҳам фашистлар тупроғимизга кирганда ҳаммамиз оёққа қалқдик. Фронтга аввал шу Додохон кетди, кейин мен. Ўғлим йиллари кўз ўнгимдан ҳеч кетмаяпти. Анча кейинроқ Додохон урушдан қайтгандан сўнг, сенинг мўъжизанг маълум бўлди. Ҳўшман Додохон тачанкини Прага яқинида уриб, сафдан чиқарди. Танк экипажи ўзини бир ҳовлига уриб, жон сақлайди. Уй эгаси уларга тутишган оғалар меҳрибончилик кўрсатади.

— Ҳозирга қирдиму гўё уруш даҳшатларини бирдан унутгандай бўлдим, — деб ҳикоя қиларди Додохон. — Ўзимни худди ўзимизга киргандай сездим. Чунки, ҳовлида шоҳсупа бор эди. Супага чиқдиму роса дўмбалоқ ошдим.

Ўша унутилмас кундарнан Додохон қўлида бир сурат бор. Суратда экипаж аъзолари, уй эгалари — эр-хотин ва икки боласи акс эттирилган. Биласанми, Вахш, Додохон ҳикоясининг нимаси ёқди менга?! Ғажот берган чех ҳаҳидаги гапларидир дерсан. Албатта, унга мингдан минг раҳмат. Аммо менга «ҳудди уйимизга киргандай бўлдим, чунки ҳовлида шоҳсупа бор эди...» деган сўзлари жуда ёқди. Негалигини тушундингми? Додохон уйимиз деб сени, аниқроғи, сенинг бир бурчагингни — Жиликўлни назарда тутарди.

Ҳозир сендан бир нема ёқиримсиз ҳикоя ман. Ота юртида яшаяпман. Аммо сенинг бағрингда бир вақтлар олиб бориб ўстирган кўчатларим сиғдирилиб, ўсиб етдим. Фарзандларим яна ҳам гуллаб-яшнашинг учун тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳар кунги радиотингдаймиз, сенинг ҳақингда айтилган ҳар бир сўзни қулоғимга қуйиб оламан. Ахир, бу сўзлар фарзандларим васфида, ёру дўстларим васфида! Раҳматлик камиримнинг менинг бу қилигимни кўриб, завқланиб жўрттага жигимга тегади:

— Чолимни кўрянглар: ёлидан ҳам радиони яхши кўради-я.

Биламан, унинг кўнгли ҳам сени кўмсайди. Ўтган йили баҳодир ўтлоғинг — Хўжанул Қувватов оиласи ҳаммани ҳайратда қолдирди. Ахир, ҳар гектардан 50 центнердан кўпроқ ингичка толали пахта кўтариш осонми? Бу ишни мен ҳам, болаларим ҳам тажрибада синаганмиз. Сен ҳам бошдан кечиргансан. Биринчи йиллари ҳосил чўғи тўрт-беш центнердан ошмасди. Бугун эса, жасур фарзандларинг номидан 50 центнердан ҳам ошираман, деб ваъда берапсан. Ғоятда саҳий ва олижаноб ишлар. Қиёс қилмоқ маҳолдир. Салламмо!

Айтишларича, элликкга қадам қўйибсан. Орадан ярим аср ўтибди-я?! Менинг Вахшим! Афсуски, боролмайман. Радиодан бағрим тантаналарини тинглайман, сабрсизлик билан Додохонни кутаман. У ҳозир трактарчи. Газетага ўч. Дастлаб келтиради ўнга. Дастурхон атрофида олтин тўйингни нишонлаймиз. Шаънингга дил сўзларини айтамиз, менинг Вахшим!

Маҳмуджон ШАҲОБИДДИНОВ.



Тожикистон пойтахти — Душанба шаҳри кун сайин гўзаланиб бормоқда. Замонавий 10 қаватли бинолар шаҳар ўсишига ҳусн қўшяпти. Суратда: М. Қорабоев номли кўчада қад ростлаган уйлар.

А. Ражабов фотолари.

ЗАМИН ТАЯНЧИ

Бозор СОБИР.

Темирчилар ўтда қўллари билан
Қисматин қувримиш!
Ўйлайман шуни.
Қўлларига боқсам, тушар ёдимга
Қаср, саройларнинг таянч устуни.

Таянч бўлиб шулар жумла жаҳонни
Қудратли қўлларнинг чўнг устунлари.
Забт этиб, мисоли бўшлиқ — маконни,
Чўзмиш қўлларини қоинот сари.

Мумкин этмаслиги гар кўк тоқига,
Чанг ва торда лишиб бир умр, лекин,
Отларини олиб ўз елкасига,
Кутармиш бут-бутун она Ер юкин!

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, тарихчи-олим

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ 1981

ТОЖИКИСТОН ТАРОНАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ШАҲАР ВА РАЙОНЛАРИДА ТОЖИКИСТОН ССР БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

19 МАЙ — СЕШАНБА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ.

Тожикистон санъат усталарининг концерти.
Соат 18.00 да бошланади.

20 МАЙ — ЧОРШАНБА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Я. М. Свердлов номидаги концерт зали

СССР халқ артисти **Жўрабек МУРОДОВ** ва Тожикистон ССР халқ артисти **Малика ҚАЛАНДАРОВА** концерти.

М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг концерт зали

Орган музикаси концерти.
Ижро этадилар — Совет ёшлари Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати **Дилбар ВАЛЛАМАТЗОДА** ва **Адҳам ХОЛИҚОВ.**

НУКУС ШАҲРИ

Тожикистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, хизмат кўрсатган давлат «ЛОЛА» рақс ансамблининг концерти.

Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати **Ғаффор ВАЛЛАМАТЗОДА.**

ГУЛИСТОН ШАҲРИ

С. Вализода номидаги Кўлоб область музикали драма театри артистларининг концерти.

ҚАРШИ ШАҲРИ

А. С. Пушкин номидаги Ленинобод республика музикали комедия театри артистларининг концерти.

САМАРҚАНД ШАҲРИ

«ЗЕБО» рақс ансамбли ва Тожикистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг шашмақомчилар ансамбли концерти.

Рақс ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Тожикистон ССР халқ артисти, Тожикистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати **Зебо АМИНЗОДА.**

Шашмақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари — СССР халқ артисти, А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати, профессор **Аҳмад БОБОҚУЛОВ.**

Музика раҳбари — Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими **Давлатшо МУМИНШОЕВ.**

ФАРҒОНА ШАҲРИ

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — **Устоқадам МАШРАБОВ** ва **Мастубек ПАЛАЕВ** иштирокида концерт.

21 МАЙ — ПАЙШАНБА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Я. М. Свердлов номидаги концерт зали

СССР халқ артисти **Жўрабек МУРОДОВ** ва Тожикистон ССР халқ артисти **Малика ҚАЛАНДАРОВА** концерти.

КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИ

«ЗЕБО» рақс ансамбли ва Тожикистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети шашмақомчилар ансамбли концерти.

Рақс ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери, — Тожикистон ССР халқ артисти, Тожикистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Зебо АМИНЗОДА.**

Шашмақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари, СССР халқ артисти, А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати, профессор **Аҳмад БОБОҚУЛОВ.**

Музика раҳбари — Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими **Давлатшо МУМИНШОЕВ.**

ТАХИАТОШ ШАҲРИ

Тожикистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, хизмат кўрсатган давлат «ЛОЛА» рақс ансамблининг концерти.

Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати **Ғаффор ВАЛЛАМАТЗОДА.**

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

Тожикистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ва М. Турсунзода номидаги давлат санъат институтининг халқ чолғу асбоблари оркестри концерти.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ, 9-СОВХОЗ.

А. С. Пушкин номидаги республика музикали комедия театри артистлари концерти.

ФАРҒОНА ШАҲРИ

Фарғона область Риштон посёлкаси

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — **Устоқадам МАШРАБОВ** ва **Мастубек ПАЛАЕВ** иштирокида концерт.

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ, М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КОЛХОЗ

С. Вализода номидаги Кўлоб область музикали драма театри артистларининг концерти.

22 МАЙ — ЖУМА

АНДИЖОН ШАҲРИ

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — **Устоқадам МАШРАБОВ** ва **Мастубек ПАЛАЕВ** иштирокида концерт.

БУХОРО ШАҲРИ

«ЗЕБО» рақс ансамбли ҳамда Тожикистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети шашмақомчилар ансамбли концерти.

Рақс ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Тожикистон ССР халқ артисти, Тожикистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Зебо АМИНЗОДА.**

Шашмақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари — СССР халқ артисти, А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати, профессор **Аҳмад БОБОҚУЛОВ.**

Музика раҳбари — Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими **Давлатшо МУМИНШОЕВ.**

УРГАНЧ ШАҲРИ

Тожикистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, хизмат кўрсатган «ЛОЛА» ансамбли концерти.

Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ҳамда А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати **Ғаффор ВАЛЛАМАТЗОДА.**

ХОВОС ШАҲРИ

С. Вализода номидаги Кўлоб область музикали драма театри артистлари концерти.

ЯККАБОҒ ШАҲРИ

А. С. Пушкин номидаги Ленинобод республика музикали комедия театри артистлари концерти.

23 МАЙ — ШАНБА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Я. М. Свердлов номидаги концерт зали

СССР халқ артисти **Жўрабек МУРОДОВ** ва Тожикистон ССР халқ артисти **Малика ҚАЛАНДАРОВА** концерти.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

Тожикистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ҳамда М. Турсунзода номидаги давлат санъат институти халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти.

ЛЕНИНСК ШАҲРИ

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — **Устоқадам МАШРАБОВ** ва **Мастубек ПАЛАЕВ** иштирокида концерт.

НАВОИЙ ШАҲРИ

«ЗЕБО» рақс ансамбли ва Тожикистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети шашмақомчилар ансамбли концерти.

Рақс ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Тожикистон ССР халқ артисти, Тожикистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Зебо АМИНЗОДА.**

Шашмақомчилар ансамбли бадиий раҳбари — СССР халқ артисти, А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати, профессор **Аҳмад БОБОҚУЛОВ.**

Музика раҳбари — Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими **Давлатшо МУМИНШОЕВ.**

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ «МОСКВА» СОВХОЗИ

А. С. Пушкин номидаги Ленинобод республика музикали комедия театри артистларининг концерти.

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ, «БОЕВУТ» СОВХОЗИ

С. Вализода номидаги Кўлоб область музикали драма театри артистлари концерти.

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ, ДРУЖБА ПОСЁЛКАСИ

Тожикистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, хизмат кўрсатган давлат «ЛОЛА» рақс ансамбли концерти.

Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати **Ғаффор ВАЛЛАМАТЗОДА.**

24 МАЙ — ЯКШАНБА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Я. М. СВЕРДОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ

СССР халқ артисти **Жўрабек МУРОДОВ** ва Тожикистон ССР халқ артисти **Малика ҚАЛАНДАРОВА** концерти.

НАМАНГАН ШАҲРИ

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — **Устоқадам МАШРАБОВ** ва **Мастубек ПАЛАЕВ** иштирокида концерт.

ПАХТАКОР ШАҲРИ

С. Вализода номидаги Кўлоб область музикали драма театри артистлари концерти.

БУХОРО ОБЛАСТЬ, ҒИЖДУВОН ПОСЁЛКАСИ

«ЗЕБО» рақс ансамбли ва Тожикистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети шашмақомчилар ансамблининг концерти.

Рақс ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Тожикистон ССР халқ артисти, Тожикистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Зебо АМИНЗОДА.**

Шашмақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари, СССР халқ артисти, А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати, профессор **Аҳмад БОБОҚУЛОВ.**

Музика раҳбари — Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими **Давлатшо МУМИНШОЕВ.**

25 МАЙ — ДУШАНБА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМИДАГИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ

А. С. Пушкин номидаги Ленинобод республика музикали комедия театри артистларининг концерти.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИ

Тожикистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, хизмат кўрсатган давлат «ЛОЛА» рақс ансамбли концерти.

Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва А. Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати **Ғаффор ВАЛЛАМАТЗОДА.**

М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг концерт зали.

Орган музикаси концерти

Ижро этадилар — Совет ёшлари Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати **Дилбар ВАЛЛАМАТЗОДА** ва **Адҳам ХОЛИҚОВ.**

ЖИЗЗАХ ШАҲРИ

С. Вализода номидаги Кўлоб область музикали драма театри артистлари концерти.

БЕКОБОД ШАҲРИ

СССР халқ артисти **Жўрабек МУРОДОВ** ва Тожикистон ССР халқ артисти **Малика ҚАЛАНДАРОВА** концерти.

26 МАЙ — СЕШАНБА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЕПИЛИШИ.

Тожикистон ССР ва Ўзбекистон ССР санъат усталари концерти.
Соат 16.00 да бошланади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

17 МАЙ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.05 — Ҳужжатли фильм. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Здоровье. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Спектакль. 16.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.15 — Қалбга яқин қўшиқлар. 18.00 — Халқаро панорама. 18.45 — Концерт. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Камалак. 20.10 — Қути кўтарган қиз. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Спорт программаси. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Светофор. 11.00 — Қўғирчоқ фильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Қаҳрамон ҳақида ўйлар. 14.15 — Тоғлар чорлайди. Бадиий фильм. 15.35 — Ўзбекистон спорти. 16.05 — Реклама. 18.20 — Санъат гунчалари. 18.50 — Миниатюралар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қишлоқ хўжалиги: тажриба ва проблемалар. 22.30 — Эртага премьера.

18 МАЙ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Онам мени бахтли қилиб туққан. Бадиий фильм. 11.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — иқболинг. 16.25 — Оналар мактаби. 16.55 — Ҳунартехника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 17.40 — Регби бўйича Европа чемпионати. СССР — Руминия терма командалари. 18.25 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Беш йиллик ва коллектив. 20.00 — Ешлик қўшиқлари. 20.25 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.10 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Пионер дружиналари бутуниттифоқ маршида. 19.00 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистонда Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари олдидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Рақс гулшанида. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга! 22.30 — Оламда нима гап? 22.40 — Музикали фильм.

II.

18.40 — Қизиқувчилар экрани. 19.10 — Ҳужжатли фильмлар. 19.30 — Биология. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — СССР халқ куйлари. 20.50 — Физика. 21.50 — Чим устида хоккей бўйича олий лига хотин-қизлар командалари ўртасида СССР чемпионати.

РАДИО

17 МАЙ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.15 — Табассум. 11.30 — Сиҳат-саломатлик. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Ҳўжалик шаҳсий — манфаати умумий. 13.30 — Навоий шаҳар ишлаб чиқариш илғорлари, Сизлар учун. 14.00 — Ғаллакорлар беш йиллик вахтасида. 15.40 — Заковат соҳиби. 18.15 — Спорт эшиттириши. 19.25 — Музикали салом. 20.15 — М. Йўлчиева ижро этади. 21.00 — Қишлоқ радиоклуби. 22.30 — Эстрада концерти. 23.15 — Радиотингловчилар тузган программа асосида концерт.

18 МАЙ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Ленин йўлидан. 9.35 — Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Ҳўжалик шаҳсий — манфаати умумий. 14.00 — Мўл ҳосил усталари ҳақида ҳикоялар. 18.15 — КПСС XXVI съезди ривожланган социализмнинг иқтисодий сиёсати ҳақида. 18.25 — Ешлик. 19.25 — Чангда Ф. Шукурова чалади. 20.50 — Шу куннинг муҳим сиёсий воқеалари. 21.00 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 21.20 — Концерт. 22.30 — Мақсуд Қориев шеърлари билан айтгаладиган қўшиқлар. 23.15 — Лирик концерт.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 216-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: йўл қурилиши машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, бўёқчи ва сувоқчилар, дурадгорлар, электр пайвандчилар, конструктор-монтажчилар, автомобилларнинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БУЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахассисликлари билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ҳам оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар ҳамда имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, формали кийимлар ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Булардан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган ҳақларининг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотли йигитлар учун қуйидаги ихтисослар бўйича беш ойлик курслар ташкил қилинади: ДУРАДГОР, ҚУРИЛИШ БУЁҚЧИСИ. Курсларни битирганларга 3, 4-разряд берилади. Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юрти қошида танлаган касблари бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради.

СПОРТ КОМПЛЕКСИ БАЗАСИДА ДЗЮ-ДО ВА КАРАТЭ БУЙИЧА РАЙОН СПОРТ СЕКЦИЯЛАРИ ИШЛАЙДИ.

Аълочи ўқувчилар «В» ва «С» категорияли автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 6 ойлик курсларда ўқишлари мумкин.

ЎҚУВЧИЛАР ЁЗГИ КАНИКУЛНИ ЧИМЕНДА ЖОЙЛАШГАН ЛАГЕРДА УТКАЗИШЛАРИ МУМКИН.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, турар жойидан справка, соғлиги ҳақидаги справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, А-4 (25, 28, 29-трамвайларнинг сўнгги бекати, 24-автобуснинг «А-4» бекати).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 17/V да **Янги программа. Кулги кечаси.**

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/V да **Ғариблар,** 19/V да **Кўрмайин босдим тиконни,** 20/V да **Баланд қоядаги аёллар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/V да **Тўйдан олдин томоша,** 18/V да **Кулги ва лирика кечаси,** 20/V да **Кулги ва лирика кечаси.**

●

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ **22. ва 23 май кунлари**

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Техникум адреси: 700167, Тошкент шаҳри, 2-Сарикулъская кўчаси, 3-уй (39-автобуснинг «Темир йўл транспорти техникуми» бекати).

ИҒВОГАРЛИК ФОШ ҚИЛИНДИ

МОСКВАДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Вашингтон аэропортида безориларча ушлаб қолинган совет самолётининг экипажи мана шу шарм-ҳаёсиз иғвогарлик ташкилотчиларини фош қилди. 15 май куни Москвада ўтказилган матбуот конференциясида учувчилар совет ва чет эл журналистлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Кема командири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССРда хизмат кўрсатган учувчи А. К. Витковский салкам қирқ йилдан бери самолётларни бошқариб келмоқда, шундан йигирма йилини у халқаро ҳаво йўлларида хизмат қилиб ўтказди. Аммо, унинг ўзи айтишича, бундай бедодликка биринчи бор дуч келиши.

Самолётнинг учишига 20 минут қолганда, деб ҳикоя қилади А. К. Витковский, кема ичига қуролланган тўрт киши бостириб кирди, уларнинг белбоғига кўл кишанлари осилган эди. Бу «анжомлар» уларнинг асло божхона ходимлари эмаслигини, балки бедодлик қилишга қозирлик кўрган кишилар экипажини дарҳол кўрсатди. Ҳужум қилиш учун танлаб олинган вақтнинг ўзи ҳам бу безориларнинг ҳаракатига пухта тайёргарлик кўрилганидан далолат берар эди: айни шу пайтда самолёт эшиклари пассажирларни қабул қилиш учун очила бошланган эди. Пассажирлар тушиб келган автобус самолётдан 30 метр нарига суриб қўйилди, шу сабабли багаж эгалари мана шу вахшийликнинг ҳаммасини кўриб турдилар. Агентлар нима қидиришаётганини билга ҳеч ким изоҳлаб бермади. Босқинчиларнинг ҳаракатлари маъносини ҳам тушуниб бўлмас эди. Улар ҳамма нарсани бузиб ташладилар, ҳатто қожатхона суви оқизиладиган туйнукка ҳам бош суқиб кўрдилар...

Америка маъмурлари Вашингтон портидаги қароқчилик ҳаракатини одатдаги божхона инспекцияси назоратининг иши қилиб кўрсатишга уринмоқдалар, деди Аэрофлотнинг Вашингтондаги вакили В. Г. Афанасьев. Аммо бу ошкора безориликнинг божхона назорати билан мутлақо алоқаси йўқ эди! Мен операцияда кузатилган мақсадни сўрамоқчи бўлганимда агентлардан бири: «Менинг жаҳлимни чиқарманг, йўқса пастга улоқтириб юбораман» деб ўшқирди.

Шу пайтгача самолёт осмонга кўтарилган вақтда террорчиларнинг ҳужумига дуч келган бўлса, Вашингтонда эрнинг ўзида мана шундай ҳужумга учреди. Агентлар учувчиларни ўз кабинасидан зўравонлик билан итариб чиқариб, бехатар учишни таъминлаш учун экипажга берилган қурол сақланаётган пўлат сандиқни очдилар. Босқинчилар бутун кабинани ипидан игнасигача тинтув қилдилар, навигация приборларини сурбетларча титкилаб чиқдилар. Биз халқаро ҳуқуқнинг энг оддий нормаларини поймол этган Америка маъмурларининг бебошлигидан қаттиқ ғазабландик. Хўш, мана шу қароқчилик ҳаракатини қилиш учун ким кўрсатма берди? Совет — Америка муносабатларини ёмонлаштириш истагида бўлган кимсалар берганлиги шубҳасиздир.

Командирнинг ҳикоясини иккинчи учувчи В. И. Костирин тўлдирди. Совет самолётига «чанг солинган» пайтда 38 нафар агент багажни майдонга улоқтириб ташлашга киришдилар — улар транспортёрни ишга сола олмадилар. Этикдўзларнинг пичоғига ўхшаш махсус пичоқлар билан улар бутун багажни кетма-кет қўполлик билан очиб ташлайверадилар.

Борт ходимаси Н. В. Подгорнова федерал тергов бюросидан келган террорчиларнинг совет самолёти ичида нақадар андишасизлик қилганликлари тўғрисида қўшимча тафсилотларни айтиб берди. Бизни биринчи салонга ўтказиб қўйиб, ўрнимиздан туришимизни ман этдилар. Биз ўзимизни пистолет ўқталиб турилгандек ҳис этдик. Бу ҳолат бир ноча соат давом этди. Бу сурбетлар ўз территориясида шу қадар андишасизлик билан инсон ҳуқуқларини бўзадилару яна инсон ҳуқуқлари тўғрисида бақиришга қандай бетлари чидайди, деди ғазабланиб борт ходимаси.

Н. В. Подгорнованинг айтишича, ниҳоят йўловчилар самолётга кириш имкониятларини олганларида, ўзларини ғазабланганликларини билдирдилар. Ҳамма кишилар — совет гражданларигина эмас, Москвага учиб кетаётган американлик туристлар ва бизнесменлар, бошқа мамлакатларнинг гражданлари ҳам Америка маъмурларининг кирдикорларига қарши, қаҳрли норозилик сўзларини айтар эдилар. СССРнинг ИКАО ишлари билан шуғулланувчи комиссияси ижрочи секретари А. Н. Брилов Даллес аэропортидаги иғвогарликни халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўтакетган бедодлик деб баҳолади.

Жумладан у айтдики, ҳаво қатнови тўғрисидаги халқаро конвенцияларни СССР каби АҚШ ҳам имзолаган, бу ҳужжатлар ҳаво кемаларини ишлатишга, уларнинг приборлари ва асбоб-ускуналари нормал ишлашига ҳар қандай аралашишни жиноят деб эълон қилади. Америка агентлари «Ил-62» самолётининг кабинасидаги приборлар ва аниқ асбоб-ускуналар ўрнатияган панелларни қонунга хилоф равишда очганлигини совет самолётининг хавф-хатарсиз учишига қасддан ва ўзбошимчалик билан хатар солишдан бошқа нарса деб бўлмаслигига аминман. Бу ҳаракатлар иғвогарликка дучор бўлган кишиларнинг иззат-ҳурмати ва ҳуқуқларини камситади, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Умумевропа кенгашининг Қўшма Штатлар ҳам имзолаган Якунловчи акти қоидаларига зид бўлиб тушади. СССР, деди А. Н. Брилов, АҚШдан шу вахшиёна ҳаракатни қилган жиноятчиларни қаттиқ жазолашни талаб қилиш учун етарли асосларга эгадир.

Америка агентларининг қароқчилик ҳаракатлари совет самолётига анча зиён етказди. СССР граждан авиацияси министрининг ўринбосари С. С. Павловнинг матбуот конференциясида маълум қилишича, самолёт Вашингтондан қайтиб келгандан кейин Москвада кўздан кечирилганда шу нарса маълум бўлдики, биринчи багаж бўлмасини очиш вақтида инерциал навигация системасининг блоклари шикастланган, бу эса учиш хавфсизлигини таҳлика остида қолдирган. Иғвогарлик ташкилотчиларининг андишасиз ҳаракатлари яна бир қанча хатарли шикастлар етказгач. Совет Иттифоқи, деб таъкидлади С. С. Павлов, етказилган зарар учун товон тўлаши АҚШнинг тегишли маъмурларидан талаб қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

(ТАСС мухбири).

ТОЖИК АВТОРЛАРИНИНГ КИТОБЛАРИ

30 нафар тожик шоирларининг шеърлари «Хушхабар» номли тўпламда қардош республика адабиёти ва санъати кунларига бағишлаб Ўзбекистонда нашр этилди. Мирзо Турсунзода таниланган шеърлари бир томлигини, ҳозирги замон тожик прозаси тўпламини, Мўмин Қаноат лирикаси китобларини чоп этиш совет халқлари дўстлиги ва қардошлиги байрамига бағишланди. (ЎзТАГ).

БАҲОРГИ ҚУШИҚ БАЙРАМИ

VI республика «Қушиқ байрами»нинг якунловчи концерт программаси бахтли ёшлик, жонажон ўлка гўзаллиги ва баҳор тўғрисидаги вокал-хореография композицияси билан бошланди. Бу қўшиқ 15 май куни Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройида янгради. Концертда бадиий коллективлар ва ижрочилар — шаҳар, область конкурсларининг лауреатлари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Конкурсларда республикадаги мактаб ўқувчилари ва болалар боғчаларининг тарбияланувчилари, педагогика ўқув юртларининг ўқувчилари ва студентларидан икки миллионга яқин киши қатнашди.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда даси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 02975. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 114.